Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 31 (21. 150) 1992 йил 13 февраль, пайшанба ● Баҳоси 60 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар. Воқеалар. Шарҳлар.

КЎП НАРСА РАВШАНЛАШДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, шу йилнинг 16-17 январь кунлари Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида содир бўлган бебошликлар республикамизнинг барча фуқаролари каби бизни ҳам ғоят ғазаблантирди. Ҳалок бўлган ва жароҳатланган ёшларимиз ота-оналарининг алам ва нидоларини сўз билан ифодалаш қийин. Бундай фожиали фалокат ҳеч қачон ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

19 январь куни Тошкент шаҳар фаоллари билан бўлган йиғилишдаги самимий нутқингиз учун Сизга ташаккур. Чунки Сиз бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб, тўғри иш қилдингиз. Натижада Сизга ҳайриҳоҳ кишиларнинг барчаси бўлиб ўтган воқеани ўзингиздан эшитиб, ғайрли кишиларга нисбатан нафратлари яна ҳам ортди. Фожиа сабабчиларини топишда ва уларнинг қаттиқ жазоланишида Сизга ва ҳукумат комиссиясига ишонамиз. Биз бу қора ниятли шахсларни фақат қотилликнинг сабабчиларигина деб билмай, балки давлат тўнтаришига ҳаракат қилган хоинлар ҳам деб биламиз.

Халқимизнинг бахтли келажаги, республикамизнинг мустақиллиги учун барча эзгу ишларингизни ҳеч иккиланмай ва ҳормай-толмай амалга оширишингизнинг тарафдоримиз. Республикамиздаги барча ҳалол-пок, тоза фикрли ва виждонли кишилар Сиз билан.

Сизга соғ-саломатлик ва ишларингизда муваффақиятлар тилаб.

119-Бўка миллий-ҳудудий округидан собиқ СССР халқ депутати

Абдураҳмон СОБИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ А. Н. ВОЗНЕНКОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Анатолий Николаевич Возненко Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 февраль.

Задарё районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари янги мавсумга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, Адолатхон Бегалиева бошлиқ бригадада бу иш қизғин. Бригада дала шийпонида деҳқонлар учун барча қулайликлар муҳайё. Ёрдамчи хўжаликда битта сигир, тўртта қўй ва кўплаб парранда асралмоқда. Бу албатта деҳқонларни чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ёрдам беради.

Суратда: бригада бошлиғи Адолатхон Бегалиева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

● *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ ЗАРУР

● 11 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расуловнинг Тошкент шаҳар бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Марказий Кенгаш котиби, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Х. М. Абдураимов кириш нутқи билан очди.

Сўнгра бошланғич партия ташкилотлари котиблари етилган масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар ҳозирги мураккаб шароитда корхона ва хўжаликларда, халқ орасида бошланғич ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилаб олиш, бундан кейин ишни қай йўсинда ва қандай тартибда олиб бориш ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Бугунги кунда иқтисодий қийинчиликлар хуружи тобора авжига чиқаяпти. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳозирги кун тартибининг олдинги ўрнига чиқмоқда. Хом ашё етишмаслиги ва бозор иқтисодиёти шароити тақозоси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳаддан ташқари қимматлашиб кетаётганлиги корхоналар иқтисодига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Нарх-наволарнинг ошгани маҳсулотларнинг харид миқдори камайишига, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига олиб келяпти. Пировард натижада бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида штатларни қисқартиришга мажбур бўлмоқдалар. Мана шундай мураккаб шароитда ХДП Марказий Кенгаши, шаҳар, район кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этишлари зарурлиги хусусида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Бошланғич ташкилот котиблари бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, ва илк тажрибаларни ўртоқлашиш зарурлигини таъкидладилар. Партиянинг қуйи бўғинларидан юқори органларигача ўзаро муносабат ва мулоқотларни яхшилаш, Марказий Кенгаш аъзолари, котибларининг бошланғич ташкилотларда мунтазам бўлиб, учрашувлар ўтказиб туриш каби масалалар нотиқлар томонидан тез-тез тилга олинди.

Тошкент транспорт олий илмгоҳи, қандолатчилик фабрикаси, 2-автокомбинат, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштрансспецстрой» трести бошланғич партия ташкилотлари котиблари Б. Давлатёров, Ф. Маликов, Л. Клестов, Г. Мирзаева, Х. Сайдалиев ва бошқалар учрашувда ғоят муҳим масалаларни кўтариб чиқишди. Уларнинг фикрига кўра, савдода, шаҳар транспортида, тиббий даволаш масканларида рўй бераётган тартибсизликларни, умуман шаҳар ҳаётида учраётган нуқсонларни бартараф этишни сира пайсалга солиб бўлмайди. Партия ташкилотлари бундай иллатларга қарши курашда корхона раҳбарияти ва жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб боришлари керак. Бинобарин, кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишда ХДПнинг ўз сўзи ва амалий иши бўлиши лозим.

Учрашувда сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистон ХДПнинг парламент хилидаги партия эканлигига алоҳида урғу бериб, район, шаҳар, вилоят кенгашларининг шу йўналишдаги фаолиятини, давлат ва хўжалик ишига таъсирини янада кучайтириш зарурлигини қайд этдилар. Партия аъзоси бўлган хўжалик раҳбарларининг партия ишига ва ўз навбатида партия ташкилотларининг хўжалик раҳбарларига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасидаги ёрдамини таъминлаш зарурлиги деярли ҳар бир нутқнинг марказида бўлди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш лозимлигини таъкидлади. Ҳаётий муҳим масалаларга доир саволлар қўйилди. Биринчи котиб кўтарилаётган масалаларнинг баъзилари вилоятлардаги учрашувларда ҳам қайд этилганини эътироф этди.

Бизнинг юмушимизни юқоридан кимдир енгиллатиб беради қабилида иш юритиш ХДПнинг мақсади ва иш услубига бутунлай ёт. Биз ҳар қандай ишни юқоридан эмас, балки қуйидан амалга оширишимиз керак деди М. Расулов. У шунингдек, партия шаҳар ва район кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ҳеч қандай кўрсатма, буйруқ ва йўриқномани кутмай, мустақил тарзда иш юритишлари лозимлигини таъкидлади. Масалан, Ўзбекистон Президенти, Олий Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилаётган фармон ва қонунларнинг асл моҳиятини иш жойларида, ҳудудларда одамларга тўғри ва чуқур-роқ тушунтириш лозимлигини қайд этди. Биринчи котиб бошланғич ташкилотлар котибларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Носиров иштирок этди.

Ш. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ШАНБАЛИККА ҲОЗИРЛИК

Андижон фаоллари йиғилишининг қатнашчилари Шарқда қадимдан удум бўлган анъанага мувофиқ миллий байрамларимиз олдидан хашар уюштиришга қарор қилдилар. Улар тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, автокомбинат, «Нур» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаларининг 14 март куни баҳор байрами — Наврўзга бағишлаб умумшаҳар шанбалигини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Шу куни ишлаб топилган маблағларни вилоят марказини ободонлаштириш ва унинг тозалигини сақлаш, шаҳар коммунал хўжалиги, транспорт корхоналарини мустаҳкамлаш учун сарфлашга қарор қилинди.

Фаоллар йиғилиши шаҳар меҳнат жамоалари ва барча аҳолисига мурожаат этиб, уларни ташаббускорларни қўллаб-қувватлашга ва шанбаликда фаол қатнашишга чақирдилар.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Қ. Х. Холмирзаев нутқ сўзлади.

(ЎзА мухбири).

● *Диққат: «Ўзбекистон овози»га ёрдам жамғармаси очилди*

ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

Азиз муштарийлар!
«Ўзбекистон овози»нинг қадрдонлари!

Ҳурриятпарвар халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Эндиликда ўзлигини таниб, кўзи очилган халқимиз Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, эртасининг фаровонлиги учун астойдил ҳаракат қилишга киришди. Четдан ҳеч ким ишимизга аралашаётгани йўқ. Лекин ҳар қандай янги рўзғорнинг яхши кунлари ҳам, ташвиш онлари ҳам бўлганидек, ҳамма ишларимиз силлиқ кетаётибди, деб бўлмайди. Ўзимизга боғлиқ бўлмаган омиллар туфайли тиркчилигимиз бирмунча танг босқичга кирди. Сезиб, кўриб ва билиб турибсизки, бозор иқтисодиётига ортиқча йўқотишларсиз, зарур маҳсулотлар нархини барқарор сақлаган ҳолда ўтиш йўлида Президент, Олий Кенгаш ва ҳукумат тинмай изланмоқда.

Сир эмас, ҳозир ҳамма қатори бизнинг ижодий жамоамиз, сиз астойил кўнгил қўйиб обуна бўлган рўзномангиз «Ўзбекистон овози» ҳам иқтисодий қийинчиликни бошидан кечирмоқда. Бунга ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган қоғоз, бўёқ, босмахона анжомлари нархи олдинги «қардош» шерикларимиз томонидан кескин оширилгани асосий сабабдир. Масалан, Россия ҳар тонна қоғоз нархини ўтган йилги 270 сўмдан ҳозир 20 минг сўмгача кўтариб қўйди. «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернидан хабар қилишларича февраль ойидаёқ рўзнома учун қоғоз тақчиллиги бошланар экан. Хуллас, рўзноманинг ҳар бир нусхаси таннархи кескин ортиб, чакана сотувда 60 тийинга етди. Лекин таҳририят жамоаси ўз ҳаммуассиси ЎзХДП Марказий Кенгаши билан маслаҳатлашиб, ўтган йили олдиндан обуна бўлганлар учун рўзнома нархини эскича ушлаб турибди.

Шукурлар бўлсинки, айни кунларда бизни мамнун этадиган нарса — дўстларимиз кўмаги. Рўзноманинг кўплаб қадрдонлари ўз ташаббуслари билан «Ўзбекистон овози»ни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Мустақил давлатимиздаги бир қанча меҳнат жамоалари, айрим фуқаролар рўзномага имкониятлари етганича пулмаблағ бермоқдалар. **Тошкент шаҳридаги бир қатор қўшма корхона, бирлашма ва заводлар, деҳқончилик тармоқлари, биржалар, ҳориждаги ватандошларимиз 1918 йилдан буён узлуксиз чиқиб келаётган, бошидан 20—30-йиллардаги очарчиликни ҳам, Улуғ Ватан урушининг оғир йилларини ҳам мардонавор кечирган чинакам отахон рўзномани сақлаб қолиш учун бор имкониятларини ишга солиб, кўмак беришга отландилар.** Жумладан, Андижон вилоятидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги, Саида Зуннунова номли Бўз муаллимлар билим юрти, Фарғона вилояти Қува район матлубот жамиятлари уюшмаси, Бухоро локомотив депоси, бошқа қатор меҳнат жамоалари ва оддий муштарийлардан шундай қатъий марҳаматлар олдик.

● «Ўзбекистон овози» оммавий ахборот воситасигина бўлиб қолмай, у Республикамизнинг тарихий миллий маданий қадриятларидан биридир. Рўзнома яқин тарихнинг турли босқичларида ўша замон тартиботларини акс эттириш билан бирга халқимизнинг кўп асрли маданияти ва маънавиятини авлоддан-авлодга етказиб келмоқда. Бугунги истиқлол дамларига етишда рўзноманинг, унинг кўпминг сонли мухлисларининг муносиб ҳиссаси бор. Рўзнома саҳифаларида маданий мерос, ижтимоий адолат масалаларига кенг ўрин берилмоқда. Иқтисодий ислоҳот қалдирғочларини юртга танитиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш доимий мавзуимиз бўлиб қолди. Биз анъанага кўра, ижодий режаларимизни сиз, азиз муштарийлар билан бамаслаҳат тузиб келмоқдамиз.

Бугунги масъулиятли дамларда мустақил Ўзбекистоннинг меҳнатсевар, яратувчи халқи доно даҳоларини, бой табиати, кўркам жамоли, тенглар ичида тенг яшаши учун барча асосларга эга бўлган хазиналарини, умумиинсоний қадриятлар салмоғини оширган маданий-маънавий беназир имкониятларини жаҳон мамлакатларига етказиш «Ўзбекистон овози»нинг асосий бурчидир.

Мурувватли халқ ўз рўзномасини, илғор фикрлар минбарини ҳамиша қўллаб-қувватлайди, қийин даврда оро йўлда қолдирмайди, деб ишонамиз.

Кўп сонли муштарийларимизнинг илтимосларига кўра, рўзномамизнинг банк ҳисобини маълум қиламиз:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат акционерлик тижорат банки — «Ўзагропромбанк»да ҳисобкитоб рақами — 000363902, код (МФО) рақами — 172682403.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг таҳрир ҳайъати қийин пайтда ҳомийлик ёрдами қўлини узатаётган жамоаларга, муштарийларга миннатдорчилик билдиради, ўз навбатида уларнинг меҳнати ва турмушидаги муаммоларини ҳал қилишда янада фаолроқ иштирок этаверади.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ АСИЛ МЕТАЛЛАР АЖРАТИБ ОЛИШ ЦЕХИ ҚУРИЛИШИДА ВА УНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИЛАР ҲАМДА МУТАХАССИСЛАР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йил ҳалол меҳнат қилгани, асил металлар ажратиб олиш цехи қурилишида ва бу мураккаб жараённи ўзлаштиришдаги хизматлари, жамоат турмушида фаол қатнашгани учун қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон Республикасининг **Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:**

Алиев Миннихат Ҳуснуллаевич — «Узстроймеханизация» бирлашмаси Олмалиқ бошқармасининг бошлиғи

Бойжонов Бахтиёр Қамбарович — «Олмаликсвинецстрой» трестининг катта прораби

Бердиев Абдуҳамид Муродович — «Қалмоққир» кони экскаватор машинисти

Блудов Анатолий Иванович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг катта электрчиси

Вегнер Виктор Иванович — «Олмаликсвинецстрой» трестининг бригада бошлиғи

Веретехин Анатолий Алексеевич — «Олмаликсвинецстрой» трести колоннаси бошлиғининг ўринбосари

Голяченко Владимир Константинович — Олмалиқ кон-металлургия мис эритиш заводининг ишчиси

Гурин Владимир Дмитриевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводи ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи

Довченко Владимир Анатольевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг директори

Иопенко Игорь Николаевич — «Олмаликсвинецстрой» трестининг бригада бошлиғи

Карпенко Виктор Дмитриевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати ремонт-механика заводининг директори

Карпенько Юрий Иванович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати ремонт-қурилиш бошқармасининг мармарчи пардозловчиси

Кауфман Валерий Эрнстович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг эритувчиси

Килин Михаил Владимирович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг аппаратчиси

Когай Игорь Сергеевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг участка бошлиғи

Константинов Олег Васильевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг эритувчиси

Курбатова Мария Алексеевна — «Олмаликсвинецстрой» терстининг суворқчиси

Матвеев Владимир Иванович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг аппаратчиси

Мироненко Виктор Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг бош энергетиги

Пак Валерий Алексеевич — «Олмаликсвинецстрой» трести колоннасининг бошлиғи

Погорели Владимир Михайлович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводи гидрометаллургия цехининг бошлиғи

Сизов Юрий Григорьевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг аппаратчиси

Симонов Анатолий Иванович — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош энергетиги

Сухенко Михаил Михайлович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг аппаратчиси

Тошпўлатов Неъмат Тошпўлатович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати цехи бошлиғи

Тарский Сергей Сергеевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг катта механиги

Ўриқов Бахтиёр Комилович — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бригада бошлиғи

Феднев Николай Захарович — «Олмаликсвинецстрой» трестининг бригада бошлиғи

Хайрулов Миннивазих Харисович — «Олмаликсвинецстрой» трестининг бригада бошлиғи

Холиқов Болта — «Узэлектромонтаж» трести Олмалиқ монтаж бошқармасининг электр монтажчиси

Қуйидаги ўртоқларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Аранович Виктор Львович — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош муҳандиси

Бутлов Сергей Сергеевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош механиги

Сигедин Виталий Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори

Усмонов Эркин Ғуломович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директорининг ўринбосари

Фомин Егор Иванович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси комитетининг раиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган бинокор»

Бережной Александр Васильевич — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг ўринбосари

Дятлов Юрий Константинович — «Узэлектромонтаж» махсус трести бошқармасининг бошлиғи

Ким Иннокентий Сергеевич — «Ўзбекистон» ремонт-қурилиш корхонасининг директори

Кистанова Мария Андреевна — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг суворқчи-бўёқчиси

Салбиев Эдуард Хазметович — «Союзцветметремонт» бирлашмаси ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи

Строц Олег Васильевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати лойиҳа-конструкторлик бўлимининг бошлиғи

Томашевская Марсилия Фотиховна — «Олмаликсвинецстрой» трестининг суворқчиси

Шактирова Римма Трофимовна — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг суворқчи-бўёқчиси

Яхнис Львов Иосифович — «Олмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 12 февраль.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

Таъсис қурултойида Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилганига уч ойдан ошди. Бу жуда ҳам қисқа, аммо ташкилий давр учун етарли вақт. Шу давр ичида партиянинг юқори органларидан қуйи поғоналаригача шаклланиб бўлди, унинг сафи анча ўсди. Энг муҳими партия ташкилотлари парламент хилидаги партия бўғинлари сифатида жиддий сиёсий кўрикдан муваффақиятли ўтдилар. Ўзбекистон Президенти сайловига ва Республика мустақиллиги референдумига тайёргарлик ва уни ўтказишда фаол иштирок этдилар. Ўзбекистон халқи бу сайловда фақат Президент учун овоз беришгина қолмай, партиянинг сиёсий йўли ва мақсадларига ҳам ўз муносабатларини билдирди.

Ҳозир партия ташкилотларининг ўтган қисқа даврдаги фаолияти таҳлил қилинадиган, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, келгуси давр учун унинг дастурий ҳаракати белгилаб олинадиган пайт. Яқинда ХДПнинг Чилонзор район кенгаши пленумида шу ҳақда атрофлича гаплашиб олинди. Таҳлил шуни кўрсатдики, бошланғич ташкилотлардан Марказий Кенгашгача ташкилий-сиёсий ишларимизни амалда қайта идрок қилишимиз лозим бўлади.

Партиянинг жамиятдаги ўрни ва роли моҳияти нимада? Унинг давлат ҳокимияти билан ўзаро ҳамкорлик шакли қандай бўлади? Бизнинг номзодимиз сайловда ғолиб чиққан экан, Халқ демократик партиясини идора этувчи, етакчи партия деб ҳисоблаш мумкинми? Мабодо шундай деб айтиш мумкин бўлса, у қандай ваколатларга эга бўлади? Ҳозир партия аъзоларини ана шундай ва бошқа яна кўп масалалар ўйлатмоқда. Районимиз партия фаоллари ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимов билан бўлган учрашувда ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Бу учрашув самимий, эркин ва очиқчасига ўтгани билан кўпчиликнинг эсида қолди. Бошқа районлар партия ташкилотларида ҳам ана шундай самимий учрашувлар бўлиб ўтаётганидан хабарим бор. Қанийди бу хилдаги мулоқотлар, илгарилари содир бўлганидек кейинчалик унутиб қўйилмаса.

Яна бир фикр. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раҳбарияти ҳам вақтивақти билан бошланғич партия ташкилотлари билан мана шу хилда мулоқотда бўлиб туришини жуда ҳам истардик. Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленуми бир қатор мана шундай саволларга жавоб беради, деб ишонаман.

Менинг назаримда ҳозирча партиянинг район бўғини ўз билганича ҳаракат қиляпти, ўз мавқеини юқоридан бўладиган топшириқ ва қўллаб-қувватлашларга умид қилмай, балки ўзи кўлидан келганча ҳимоя қиляпти. Мен ХДП нинг давлат сиёсати ва давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда етакчи партия сифатида маълум бир таъсири бўлиши лозим деб ўйлайман. Бундай таъсир халқ нойблари гуруҳлари фаолияти орқали таклифлар ва қонун асослари лойиҳаларини тайёрлаш, муқобил асосларда кадрларни тавсия қилиш, маҳаллий ташкилотлардан ҳукуматнинг юқори органларигача ана шу тавсияларнинг кўриб чиқилишига эришиш ва бошқа шакларда акс этиши мумкин. Бу таклифларга биз албатта асосли жавоб олишимиз зарур. Йўқса партиянинг кучи ва қўллаб-қувватлаши сабабли юқори давлат лавозимларига кўтарилган кишилар партиянинг таъсири остидан чиқиб кетиши, партиянинг қарорларини назар-писанд қилмай қўйиши, унинг кундалик турмушидан узоқлашиб қолиши мумкин. Тарих мана шундай кўпдан-кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган ва биз булар қандай оқибатларга олиб келганини яхши биламиз. Шу сабабли район партия кенгаши район ҳокимини тайинлашдек ҳаётий муҳим масаладан четда турмасликка қарор қилди. Тўғри, кейинчалик Халқ депутатлари район Кенгаши сессиясида тасдиқлаш йўли билан район ҳокимини тайинлаш Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳуқуқига киради. Аммо, район партия кенгашининг партия аъзоси бўлган халқ депутатлари гуруҳи иштирокида ўтган пленуми бу ҳақда ўз фикрини билдирса-чи?

Район партия ташкилотининг 1992 йил учун ҳаракат дастури муҳокама қилинган пленумида ана шундай таклиф билдирилди. Пленум район партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, халқ депутатлари район кенгашининг раиси О. Д. Исмоиловни Чилонзор райони ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилди ва Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбековдан район партия кенгаши фикрини инобатга олишни илтимос қилди. Бизнинг бу таклифимиз А. И. Фозилбеков фикрига мос келиш-келмаслигини билмайману, аммо пленумдан кейин бир неча кун ўтгач сессияда ана шу номзод халқ нойблари тасдиғига тақдим этилди.

Ҳозир сира ҳам кутиб ўтирадиган вақт эмас. Иложи борича олдинга қараб ҳаракат қилиш, амалий иш қилиш лозим. Мақсад — пленум тасдиқлаган ҳаракат дастурида белгиланганидек, партия ташкилотларини район меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қиладиган сиёсий кучга айлантириш учун барча зарур чораларни кўришимиз лозим.

Районимиз партия ташкилотлари таркибида 38 та бошланғич ташкилот, жумладан уй-жой кварталлари ва маҳаллаларда 30 та ҳудудий партия ташкилотлари иш олиб боряпти. Бошланғич ташкилотлар Ўзбекистон Халқ депутатларига сайлов ўтказувчи округ ҳудудида фаолият кўрсатувчи 8 та округ ташкилотларга бирлашган. Ҳудудий ташкилотлар орқали аҳолига таъсир ўтказиш ва жамоат фикрини шакллантириш имкониятларига эга бўлдик. Бу айниқса турли даражадаги давлат органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига фаол қатнашиш, Ўзбекистон ХДПдан номзодларнинг депутат қилиб сайланиши учун кураш олиб бориш, республиканинг янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамасида яқиндан иштирок этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Округ партия ташкилотлари ижроия бюролари самарали иш олиб боришлари учун барча зарур шароитлар вужудга келтирилди. Уларга алоҳида хоналар берилди, жиҳозлар ва зарур асбоблар ажратилди, тез вақт ичида улар ўз округларида ўзига хос ижтимоий-сиёсий марказ бўлиб қолишлари учун зарур имкониятлар яратилди. Маҳалла ва квартал партия ташкилотларининг ҳам нормал ишлашлари учун ана шундай шароитлар вужудга келтирилди.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг моддий базаси, мулки, молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида мунозаралар қизиб кетди. Бундай тортишув ва музокаралар шу сабабли вужудга келдики, аввалги йўриқномалар билан бундан буён яшаш мумкин эмас, тегишли механизмлар эса ҳали белгиланмаган. Янги иқтисодий муносабатлар янгича ёндашувларни излаб топишни талаб қилмоқда.

Чилонзор район партия ташкилоти ўз имкониятларини атрофлича ҳисоблаб чиқиб, Тошкент шаҳар партия кенгашидан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш учун тажриба тариқасида ишлашни таклиф қилди ва бунга розилик олди. Менимча бундай тажриба барча шаҳар, район ва вилоят партия ташкилотлари фаолиятининг бир қисми бўлиб қолмоғи лозим.

Ушбу тажриба мазмуни ва моҳияти шундан иборатки, район партия ташкилотлари аъзолари тўлаётган бадаллар район партия кенгаши ҳисоб счетига келиб тушади. Кенгаш ўз бюджетини ўзи шакллантиради, ишчи аппарати, хизмат кўрсатувчи ва техник, шунингдек асосий ишидан озод қилинган ходимлар штати ва харажат сметаси, ишлаб чиқаришнинг хўжалик мақсадалари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари эҳтиёжлари учун ажратилаётган маблағ миқдорини белгилайди. Тошкент шаҳар партия кенгаши билан келишилганига биноан шаҳар партия кенгаши фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида ўз маблағининг бир қисмини ажратади.

Бизнингча партиянинг тегишли норматив ҳужжатларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолик бадалларидан партиянинг заҳира фондига ажратиладиган йиллик маблағ фоизини белгилаб берадиган қоида албатта киритилиши керак. Бу маблағ Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши махсус счетига шаҳар ва район кенгашлари томонидан ўтказилиб, ундан партия Марказий Кенгаши пленуми қарори билан фақат фавқулодда ҳолатлардагина фойдаланилиши керак.

Ҳозир аҳвол шу даражага келиб қолдики, агар фақат партия аъзолик бадалларига кўз тикиб, нирим ва чиқим харажатларини ҳисоблайдиган бўлсак ҳеч қандай молиявий хотиржамлик ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Қўшимча маблағ манбаларини излаб топишимиз зарур. Ихтиёрий хайр-эҳсонлар билан ҳам узоққа бориб бўлмайди. Демак олдинда фақат Ўзбекистон ХДП Низоми ва ҳаракатдаги қонун асосида иш юритиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти оқ-қалигина пул топишдан иборат ягона имконият турибди.

Район партия кенгаши қўшимча даромад олиш, бюджетдаги камомадни қоплаш учун хўжалик ҳисобидаги марказни вужудга келтирди, иккита корхонанинг ҳаммуассиси бўлди. Бу билан биз фақат молиявий мақсадларни кўзлабгина қолмай, балки сиёсий йўналишимизга мос келадиган фаолият шаклларини ва корхоналарни танлаяпмиз.

Шу ерда партия Марказий, вилоят кенгашлари таркибида партия ташкилотларига ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ташкил этишда методик ва амалий ёрдам берадиган бўлинмалар борлигини қайд қилмоқ лозим. Республиканинг бошқа вилоятларида бу соҳада иш қандай ташкил этилганлигини билмайману, аммо Тошкентдаги район партия кенгашлари ҳозирча ана шу бўлинмалардан ҳеч қандай тавсия ёки ёрдам олганларича йўқ. Улар ўз ёғларига ўзлари қоврилиб, таваккалига иш юритишга мажбур бўлмоқдалар.

Қўшимча даромад манбаларидан яна бири — партия мулкини бошқача шартлар билан ижарага беришдир. Тўғри, бу янгилик эмас, кўплар бундай усуллардан фойдаланмоқдалар. Аммо бу жараён партия мулкидан сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳар бир жиҳатини эътиборга олиб ва самарали тарзда эмас, балки стихияли тарзда кечаётгани ташвишлантирмоқда. Бундай аҳволнинг вужудга келиш сабаби эса аён. У ҳам бўлса буларнинг ҳаммасига ким эга эканлиги очиқ-равшан эмас. Менимча норматив ҳужжатларда мулк эгаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши эканлиги, вилоят, шаҳар ва район партия кенгашлари эса мулкдан амалий тарзда фойдаланувчилар эканлиги белгилаб берилмоғи керак. Мен шунингдек яна партия мулкига нималар киришини аниқ-равшан қилиб олиш лозим деб биламан. Балки унга партия маблағлари ҳисобига келган ва бунёд бўлган барча мулкларни киритиш лозимдир. Ана шу ўринда партия мулкини қонун йўли билан муҳофаза этишни кафолатлайдиган давлат ҳокимиятининг тегишли юридик ҳужжатларини вужудга келтириш ҳам даркор.

Биз сифат жиҳатдан бутунлай янги сиёсий ташкилотнинг кучга тўлиб, фаолият доираси тобора кенгайиб бораётгани гувоҳи бўлиб турибмиз. Тўғри, ҳали олдимизда турган масалалар ва муаммолар салмоғи, кўлами ғоят кенг ва чуқур. Уларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш мумкин эмас. Аммо айни пайтда бу ишни ҳам кечиктириб бўлмайди. Бунинг учун партиянинг барча ўткир зеҳнли, ташкилотчи, ижодий кучларидан фойдаланмоқ керак. Ҳеч кимнинг четда туришга ҳаққи йўқ. Фақат биргаликдаги ҳаракатлар билан, ишга, бурчга масъулият билан ёндашибгина одамларнинг ишончини қозонишимиз, етакчи сиёсий куч бўлиб қолишимиз ва шундагина Ўзбекистон ХДПнинг мақсадларини амалга оширишимиз мумкин.

М. РЯБЧУН,
Ўзбекистон ХДП Чилонзор район кенгашининг котиби.

Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бундан беш йил илгари 2-мактабларараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати қошида техника устахонаси ташкил этганди. Бугунгача қарийб 400 нафар ёш мутахассис ишлаб чиқаришга йўл олди.

Ҳозир техника устахонасида ўрта мактабларнинг тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи синф ўқувчилари силлиқловчи, токарлик ва бошқа ишчи касбларини пухта ўрганишмоқда. Ўқув-ишлаб чиқариш дарсларини тажрибали уста ва ўқитувчилар олиб боришяпти.

Устахонада «Кадрлар» ширкати ҳам фаолият кўрсатаётир. У жумҳурият пойтахти турли корхоналарининг буюртмаларини бажармоқда.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш устаси Р. Абдурахмонов бўлажак токарь Э. Каримов билан бирга.

Р. ШАМСУТДИНОВ.
(ЎзА) олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

УЗУМ ШАРБАТИДАН ШИННИ

● Узум шинниси... У ўзбек дастурхонининг энг тансиқ, тотли ширинликларидан бири. Афсуски, кейинги йилларда бу хуштаъм неъмат деярли тайёрланмай қўйилди.

Учқўприк районидаги мева-сабзавотларни қайта ишлаш ижара корхонасида миллий қандолатчиликдаги ана шу унутилаёзган соҳани қайта тиклашга аҳд қилишди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 20 дан ортиқ турдаги мураббо, шарбатлар, томат маҳсулотлари қаторига яқиндан бери узум шинниси ҳам қўшилди.

Корхонада кашф қилинган янги технология бўйича шинни ёз ва куз ойларида ғамлаб қўйилган узум шарбатидан ишлаб чиқарилянти. Текшириб кўрилганда шиннида 70 фоиз қанд моддаси мавжуд эканлиги аниқланди. Бундан хулоса чиқарган корхона жамоаси меҳнаткашлар дастурхонига шу йилнинг ўзидаёқ 100 тоннага яқин шинни етказиб беришга аҳд қилган.

ОМБОР ТЎЛА СУВ

● Толимаржон сув омборида белгиланган сиғимдаги оби-ҳаёт тўпланди.

Сунъий денгизда Амударёдан Қарши магистрал канали орқали бир миллиард куб метр сув тўпланди. Бу магистрал канал, насос станциялари унумли ишлаганлигининг самарасидир. Қашқадарё вилоятининг қуйи районларида сув таъминоти яхшиланади. Мавжуд обиҳаёт билан Нишон, Ўльянов, У. Юсупов, Муборак, Баҳористон, Қарши ва Косон районларидаги 350 минг гектар ерни суғориш мумкин бўлади.

МУНОСИБ СОВҒА

● Шуманай райони маркази йил сайин ободонлашмоқда.

Кейинги икки йилда кўплаб турар-жой, мактаб, касалхона ва бошқа маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Яқинда эса 280 ўринли болалар боғча-яслиси қуриб битказилди. Бунёдкорлик ишларини 324-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари амалга оширдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

МАҲСУЛОТ ТУРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТАРАДДУДИДА

Кундалик тирикчиликни сут-қатиқ маҳсулотларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис вилоят шаҳар ва қишлоқлари дўконларини сут маҳсулотлари билан таъминлашда Қарши сут комбинати жамоаси ғайрат билан ишлаяпти. Ўтган йили режага нисбатан 346 тонна сут, 109 тонна сариёғ ва 42 тонна музқаймоқ кўп ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сифати бузилганлиги ҳақида савдо ташкилотларидан эътироз тушгани йўқ. Чунки маҳсулот сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

— Бу йил 34 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда, — дейди комбинат директори Баҳром Пиримов. — Бунинг уддасидан чиқамиз, албатта. Биринчи кварталда янги цех ишга туширилиб, корхона қуввати янада ортади. Яқинда Францияга бориб, «Актини-Интернационал» фирмаси билан шартнома имзоладик. Янги цехда хориж фирмасида тайёрланган ускуналар келтириб ўрнатилади. У соатига 3600 дона махсус қоғоз халтачада сут қадоқлайди. Шуниси диққатга сазоворки, қоғоз ҳалтачадаги сут уч кундан тортиб уч ойгача айнимаслиги мумкин.

Бу тадбир икки жиҳати билан манфаатли. Биринчидан, идишга бўлган муҳтожлик муаммоси ҳал этилади. Чунки шиша идишлар, металл бидонлар етишмай турибди. Иккинчидан ёғи олинган сут нобуд бўлмайди. Бундан ташқари фойдаланиладиган қувват юз фоиз ошади.

Шу ўринда яна бир муаммони таъкидлаш керак. Шаҳар аҳолисини арзон сут билан таъминлаш мумкинми? Бу ўринда бир имкониятни назарга олиш лозим бўлади. Ҳозир савдо ташкилотлари сутни дўконларга олиб бориб сотишни зиммаларига олишяпти. Бу иш фақат Қарши шаҳар савдо марказидагина йўлга қўйилган, холос. Шаҳардаги 70 га яқин катта-кичик озиқ-овқат дўконларининг ҳеч бўлмаганда ярмисида сут сотишни йўлга қўйиш мумкин. Бироқ бу аҳволга чидаб келинмоқда. Нега шундай? Шаҳарликлар сут ичишмайдими?

Вилоят савдо бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда чуқур мулоҳаза қилиб кўришлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

● ҲАРАКАТДА— БАРАКАТ

Комбинат директори бу ҳақда анчадан бери бош қотиради, аммо натижа чиқмаяпти. Бир неча йиллардан бери шаҳарда камида иккита фирма магазини очиб беришни сўраб вилоятда мурожаат қилмаган ташкилоти қолмади. Ҳаммасидан «хўп бўлади» деган ваъдани олади. Лекин ҳанузгача амалий ишдан дарак йўқ.

Корхонада маҳсулот турини кўпайтиришнинг ички имкониятлари бор. Бринза, қуюқлаштирилган сут, колбаса туридаги пишлоқ каби парҳез маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Коллектив шу мақсадга етишиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Аммо орзу-орзулигича қолаётир. Республика Гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари бу ҳақдаги талабномаларни инобатга олишмаётир. Ҳолбуки, юқорида тилга олинган сут маҳсулотларига талаб катта. Агар ноёб сут маҳсулотлари тайёрланиб, шифохоналардаги беморларга етказиб берилса, бунинг савобига не етсин.

Айни пайтда эркин нархга ўтилиши муносабати билан сут ва қатиқ маҳсулотларининг нархи ҳам ошиб кетди. Бу, албатта юқори сифатли кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб этади. Бунга меҳнатни тўғри ва оқилона ташкил қилиш йўли билан эришилади.

— Меҳнатни тўғри уюштиришнинг энг муҳим шартларидан бири ишчи ва муҳандис-техник ходимларни ижтимоий ҳимоялашдан иборат, — деди комбинат директори ўзича нималарнидир ҳисобкитоб қиларкан. — Ҳозир бу ҳаётий талаб бўлиб турибди. Ўтган йили 200 нафар ишчининг ўртача ойлик маоши 217 сўмданга тўғри келган бўлса, эндиликда 800 сўмга кўтарилди. Бундан ташқари, ишчиларнинг ҳар бирига қишда ойласига бозордан сабзавот сотиб олиши учун ёрдам пули ҳам берилди. Корхонанинг шахсий ёрдамчи хўжалигидан арзон нархда — килограмми 7 сўмдан гўшт ҳам сотиляпти. Тушлик овқат харажатининг асосий қисмини корхона тўламоқда.

Ишчилар яшайдиган 48 квартирали уй телефонлаштирилди. Яна 40 квартирали уй қурилиши бошлаб юборилди. Ҳадемай уй-жой учун навбатга турувчилар бўлмайди. Комбинатнинг 140 ўринли болалар боғчаси шу йил ишга туширилади.

Вилоят мутасадди ташкилотлари корхонада рўёбга чиқарилаётган яхши ишларни оммалаштириш тараддудини кўрмоқда. Сут-қатиқ маҳсулотларини кўплаб тайёрлашни йўлга қўйишни ташкил этиш бўйича корхонада 1992 йил апрель ойида республика кўргазмали семинари ўтказиладиган бўлди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА»ДАГИ МАҚОЛА ХУСУСИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Журналистлар уюшмалари конфедерациясига баёноти

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси республикамизда юз бераётган воқеалар тўғрисида марказий матбуотда эълон қилинаётган бир ёқлама мақолалар хусусида бир неча марта ўз фикрини билдирган эди. Бундан ташқари ушбу масала бизнинг талабимизга биноан Журналистлар уюшмалари конфедерациясининг Москвада ўтказилган пленумларидан бирида муҳокама этилди. Биз ҳар қандай нашрнинг суверен давлатлар (барча жумҳуриятлар ҳозир суверендир) ички ишларига аралашишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ўз позициямизни аниқ-равшан билдирдик.

Бироқ, айрим рўзномалар мустақиллик баҳонасида ўзларини ҳакамлар ва авлиёлар сифатида кўрсатишни давом эттирмоқда. Мустақил давлатларда кўрилаётган чора-тадбирлар ва хатти-ҳаракатларга ўзларича узил-кесил баҳо беришмоқда. Гап «Комсомольская правда» рўзномаси ҳақида бормоқда. Ў ўз саҳифаларида бир ёқлама материалларни биринчи марта эълон қилаётгани йўқ.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси унда яқинда эълон қилинган «Мачитлар соясидаги руслар» мақоласида журналистларнинг касб-кор этикаси ҳақидаги кодекс ва хусусан, унинг тўртинчи ва олтинчи параграфлари бузилганлигини расмий равишда билдиради. Унда, жумладан:

«— агар журналист ахборотларни сохталаштирса, ҳужжатли ёки бошқа манбаларни бузиб кўрсатса, кўчириб олинаётган ҳужжатга маънавий тузатиш киритса;

— агар журналист тасдиқланмаган хабарлар, овозалар, тахминлар, шунингдек, номаълум манбалардан олинган маълумотларга асосланган ахборотларни ишончли, мўътабар ниқоби остида тарқатса,

бундай ҳолларда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари камситилган ва касб-кор этикаси бузилган, деб баҳоланади», — дейилади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси шу муносабат билан Журналистлар уюшмалари конфедерациясига мурожаат қилиб, ундан «Комсомольская правда» ходимлари Д. САБОВ ва И. ЧЕРНЯКЛАР журналистик этикани бузганлиги ҳақидаги баёнотни кўриб чиқишини талаб қилади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

САФ КЕНГАЙМОҚДА

Свердлов район «Коммунист» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотида ХДП аъзолари сафини кенгайтириш бўйича ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда обрў-эътиборли партия аъзолари, уруш ва меҳнат фахрийлари мутасадди сифатида оталиқ қилмоқдалар. Мураббийлар ҳар жиҳатдан уларга намуна бўлишяпти. Ибратнинг эса тарбиявий таъсири катта. Ёшлар ҳам мураббийлари изидан боришга ҳаракат қилишяпти. Ҳозир кўплаб ёшлар партия сафига ўтаётганлигида мана шу ишларнинг роли катта бўляпти.

Яқинда ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси мажлисида мазкур районда партия сафларини кенгайтириш масаласи муҳокама этилар экан, бу тажрибани ҳамма жойда қўллаш тавсия қилинди.

ТАЪСИРЧАН ТАДБИРЛАР

Халқ демократик партияси Олот район «Олот» давлат хўжалиги бошланғич ташкилоти маъмурият ва касаба уюшмаси ташкилоти билан ҳамкорликда ишчиларни ижтимоий ҳимоя этиш дастурини ишлаб чиқди. Шунга кўра чўпон-чўлиқларнинг энг кам ойлик маоши 600 сўм атрофида бўляпти. Ўтган йили хўжаликда қорақўлчиликдан кўрилган даромад икки ҳисса кўп бўлган эди. Бунинг эвазига ишчиларни имтиёзли шартлар асосида кундалик истеъмол моллари билан таъминлаш, маиший хизматни йўлга қўйиш тадбирлари кўрилмоқда.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Бухоро пахта тозалаш заводида бошланғич партия ташкилоти тавсиясига биноан маъмурият ва касаба уюшмаси ташкилоти ишчиларнинг дам олишини ташкил қилиш тадбирларига алоҳида аҳамият бермоқда.

Завод ҳовлисида спорт майдончаси барпо этиляпти. Бунинг учун зарур спорт ашёлари харид қилиб қўйилган. Вобкент районидаги хўжаликларнинг бирида эса мазкур корхона ишчилари дам олиши учун 40 ўринли оромгоҳ жиҳозланаяпти.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Сизда қандай янгиликлар бор?

БЎЛАР ЭКАН-У

● САМАРҚАНДДАГИ «Красный двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмаси чет элдаги турдош фирмалар билан иқтисодий алоқа ўрнатиб, муайян валюта жамғармасига эга бўлди. Ишлаб чиқариш тармоқлари тобора кенгайиб бормоқда.

Бу ерда барча маркадаги ВАЗ автомобилларининг двигателларини таъмирловчи «Москвич» кичик давлат корхонаси очилди. Энди самарқандлик кўплаб енгил машина эгалари двигатель блоки, гильза, поршень излаб юришмайди. Уни бирлашма қошидаги корхонада ясаб беришади, таъмирлаб қўйишади.

ГАП—ЭЪТИБОРДА

● ҚАДИМИЙ ва навқирон шаҳарда «Бибихоним» жамғармаси учун хайрия марафони ўтказилган эди. Маълум бўлишича, жамғармага меҳнат жамоалари ва аҳолидан тўрт юз минг сўмдан пул тушган.

Халқимизнинг мурувватли-ю саховатига, аёлларга нисбатан ҳурмат ва эътиборига таҳсин айтсанг арзийди, — дейди вилоят хотин-қизлар комитети раиси ўринбосари Бибисора Туробова. — Маблағнинг 50 минг сўмига «8 Март» фабрикасидан кийим-кечак олиб ногиронлар ва қариялар уйидаги ҳамда боқувчисини йўқотган аёлларга улашамиз. Советобод ва Қўшработ районларида хотин-қизлар учун кичик корхоналар очишга 100 минг сўм ажратдик. Бундан ташқари аёлларимиз учун турли маданий тадбирлар уюштирилади.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ТУРОН» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида янги жамоа ташкилоти — «Турон» ижодий уюшмаси рўйхатга олинди.

Ижодий уюшманинг асосий мақсади — миллатимизнинг келиб чиқиш тарихини имконият даражасида ёритмоқ, халқимизга ижодий асарлар орқали мустақилликни англатмоқ, ўзбек халқининг миллий урф-одатларини дунё халқларига тарғиб этиш, халқимизнинг маданий ва маънавий савиясини оширишдан иборатдир.

(ЎзА).

ТУҲМАТЧИГА ЖАЗО БОРМИ?

Ўзбекистон мустақил жумҳурият деб эълон қилиниб, истиқлол сари йўл тутганидан сўнг, марказий рўзномалар тез-тез Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашадиган, бўҳтон ва туҳматлардан иборат мақолалар билан жумҳурият халқи ва унинг раҳбарларига тош отадиган одат чиқардилар. Айниқса «Комсомольская правда» рўзномаси бу борада эринмай «тер тўкяпти». Рўзномаларнинг шу йил 4 февраль сонида эълон қилинган «Русские на фоне мечетей» деб номланган мақолани ўқиб, жуда дарғазаб бўлдик. Мухбирлар Д. Сабов ва И. Черняклар миш-миш ва бўҳтонларга асосланиб, Ўзбекистондаги вазият ҳақида бунчалик «куюниб» ёзишларига ким ҳуқуқ берган?!

Эмишки, Тошкент кўчаларида кечаси яхши ёритилмаётганлигига сабаб, электростанциялардаги 90 фоиз ишчилар рус миллатига мансуб бўлиб, эндиликда улар ўз юртларига жўнаб кетаётганликларидир. Шу туфайли, Сирдарё, Янги Ангрен, Тошкент ГРЭСларида ишлашга одам йўқмиш. Ҳозирги кунда руслар фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қолди, деган гап ҳам ғирт ёлғон-ку ахир! Кетидан «...Корейслар ўзиниўзи ҳимоя қилиш отрядларини тузишяпти, яҳудийлар жўнаб кетдилар», деб ёзишларига нима деса бўлади? Ахир, бу тўғридан-тўғри миллатлар ўртасига нифоқ солиш, уларнинг ўзаро муносабатларини бузиб кўрсатишга уриниш-ку!

Умуман бу мақолада эътироз билдириладиган жуда кўп фикрлар бор. Уларни ҳар бирини таҳлил қилиб ўтирмай, биз бу мақола юзасидан ўз норозилигимизни билдириб, шуни талаб қиламиз: — тугатилган комсомол ташкилотининг рўзномаси-ю, унинг «ҳақиқати» бизга керак эмас. Умуман Ўзбекистонда вазиятга холис фикр билдирмайдиган, туҳматчи рўзномаларни нашр қилиб сотувга чиқаришнинг кераги йўқ, деб ҳисоблаймиз.

«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси номидан.

А. ЭРГАШЕВ, ҳуқуқшунос.

• ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ: ЯНГИ ҚИРРАЛАР •

ҚОҒОЗ ПУЛ КИМГА КЕРАК?

ЁКИ БАРТЕР—МОЛ АЛМАШИШ АФЗАЛЛИГИ ХУСУСИДА

Ҳа, пул қадрсизланиб кетди. Ҳозир росмана, дориламон ҳаёт кечириш учун қоп-қоп пул керак. Аммо Президентимиз айтганидек, қоғоз пуллар «марказ»да босилади. Улар ҳоҳласа кўпайтиришади, хоҳламаса тақчил бўлиб қолади. Нарх-наво эса эркин қўйиб юборилди. Аммо маошларга солинган «қишан»ларни ҳали тўла-тўкис ечиб бўлмаяпти. Нима қилмоқ керак! Иложи борми!

Бу саволга жавобни яна Президентимиз И. А. Каримовдан оламиз. Жавоб битта: республика бартер — мол алмашишга кенг ўтиши керак! Хўжаликлар ҳам, ташкилотлар ҳам, биржалар ва вазирликлар ҳам шу йўлни тутгани маъқул.

Жойларда, айниқса қуйида бунга қандай эътибор қаратилаётганини билиш мақсадида Тошкент вилоятининг Қибрай тайёрлов ширкат савдоси бирлашмасида бўлдик. Бирлашма тайёрловчиси Нишонбой ака Тўхтаев билан суҳбатимиз асосан шу ҳақда борди.

— 1991 йил май ойида, — деб гап бошлади у, — «Ўзбекбирлашув»дан «Узкоопзаготторг», яъни мустақил республика кооператив мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бирлашмаси сифатида ажралиб чиқди. У хўжаликлар ва аҳолидан қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотларини ҳарид қилиб, давлатга, чет элларга мол алмашади, сотади, уларни қайта ишлайди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради. Илгари прейскурант деган гап бўларди. Ҳозир унинг ўрнига келишилган нархларга ўтилган. Дастлаб янги бирлашманинг район бошқарувлари сайланди. Вилоятларда анжуманлар бўлиб ўтди. Жумҳурият қурултойида камина ҳам сўзга чиқиб, юрагимда тўплаб юрган баъзи ўйларимни тўкиб солдим. Ахир, бирлашма кенгаши аъзоси сифатида шу ишга арзигулик ҳисса қўшсам дейманда.

— Янги тузилманинг аввалгисидан фарқи борми?

— Фарқи шуки, илгари биз фақат ишчи эдик. Ҳозир эса кўпроқ уддабуронлик, тадбиркорлик талаб этиляпти. Очиғи, йўқдан бор қиляпмиз. Ахир, жон куйдирмасанг, жонона қайда дейдилар-ку. Замон талаби шу, ука!

Нишонбой ака кўпни кўрган, тажрибали киши. У Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясининг аъзоси. Шу партиянинг район кенгаши тафтиш комиссиясига ҳам аъзо. Тармоқда биринчилар қатори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими фахрий унвонига сазовор бўлган. Шахсий пенсионер бўлишига қарамай ёшлардек тиним билмайди. Уруш, меҳнат ва партия фахрийси. Фахрийлар кенгаши район раёсатининг аъзоси сифатида анчагина хайрли ишларга бош-қош бўляпти. Аммо энг муҳими, унинг халқ ғамини ўйлаб, жон куйдиришидир. Бир мисол. Қишга маҳсулот ғамлаш уларнинг зиммасида эди. Табиийки, биринчи галда ўз жумҳуриятимиз аҳолисини таъминламоқ керак, ортганига мол алмашса бўлади. Негаки, бизда аҳоли орасида кўп болалик, кам даромадли оилалар сероб. Тўю маъракa, маросимлар ҳам кўп. Қишда улар қаёққа маҳсулот излаб югуришади? Кимдан нажот топишади?

— Шуни ҳисобга олиб, — дейди суҳбатдошимиз, — фақат қиш ғамини ёзда ебгина қолмасдан, ёз ғамини ҳам ҳозирдан ўйлаймиз. Фикримни тушунтириброқ айтай. Ҳозир районимизда айнан иш қайнаган пайт. Уйма-уй юриб, аҳоли, ёрдамчи хўжалик ва ижарачилар билан юзлаб шартномалар тузяпмиз. Масалан, Туркистон ҳарбий округининг «Туркистанец» ёрдамчи хўжалиги билан олдиндан тузилган шартнома асосида бултур салкам ўн минг тонна пиёзни келишилган нархда олдик. Бундай мисоллар анчагина. Баъзи тайёрловчилар айни пишиқчилик кезларида идиш тополмай шошиб қолишади. Биз ҳозирданоқ бунинг ғамини ҳам еб қўйганмиз. Қоп, яшик дейсизми, автобазалар билан машина олиш учун шартнома тузиш дейсизми — олдиндан отни қамчилаяпмиз. Пишиқчилик мавсумида-ку нари-бериси йўқ, нақ даланинг ўзида пулини бериб, қиш мавсумига борини ғамлаб қўйгандик.

— Илгарилари баъзан мол ўрнига пул айланарди. Яъни қоғозда маҳсулотлар тайёрлаш режаси юз фоиз бажарилардию айрим ҳолларда омбору дўконлар унинг юзини кўрмасди. Энди бунга чек қўйиляптими? Умуман, Президентимизнинг республикаларароо мол алмашишга кенг ўтиш хусусидаги таклифи районда қандай акс-садо уйғотмоқда?

— Бу масалаларга бизда чек қўйилди. Бирлашмамиз қайта тузилгандан кейинги тўрт-беш ой ичида Украинадан юз тоннага яқин шакар, Грузиядан бир вагон чой, Қорақалпоғистондан анчагина гуруч, мош, Россиядан тахта-ёғочларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини алмашиш эвазига олдик. Украинадан икки юз тача рангли телевизор келтириб, асосан район шифохоналари, болалар боғчаларига бердик. Қолган қисмини эса нақд икки юз килограмм тирик вазндаги гўштга алмаштирдик. Шакарни асосан районимиз ветеранларига тарқатдик, яъни мол тақсимлашда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож тоифаси биринчи галда ҳисобга олиняпти.

Бирлашмада ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаётганини бошқа мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Чунончи бирлашманинг банкда беш миллион сўмдан ортиқ ўз маблағи бор. Ана шу маблағ ҳисобидан кўпгина зарур қурилишлар амалга ошириляпти. Маҳсулотларни қайта ишлайдиган цехлар қад кўтармоқда. Аҳолига ром, эшик, уй қуриш учун ниҳоятда зарур бўлган қурилиш цехи барпо этилади. Ана шу даромад ҳисобидан 150 ишчининг ҳар бирига бир минг сўмдан пул текинга берилди. Ишчиларга арзон нархда гўшт берилмоқда, овқатланиши учун ҳар куни ўн сўмдан ёрдам пули ажратилган. Ўттиз нафар қарияниинг ҳар бирига икки юз сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилган. Ана шу даромаддан экин экиш, уруғлик ва бошқа ҳаражатлар учун 1992 йилга шартнома тузган аҳолига, ижарачи, ёрдамчи хўжаликларга олдин аванс пули берилмоқда. Булар — ҳамир учидан патир, албатта. Агар бирлашманинг ҳали ёш эканини назарда тутсак, унинг олдида катта истиқболлар очилаётганини ҳис этиш қийин эмас. Райондаги 150 минг аҳолини қишлоқ хўжалик ва гўшт маҳсулотлари билан тўла, узлуксиз таъминлаш учун янги типдаги дўконлар, омборлар қуриш вазифаси турибди.

Жумҳурият кооператив мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бирлашмасининг бошқа жумҳуриятлар билан мол айирбошлаш борасидаги фаолияти билан қизиқиб, ана шу бирлашма тайёрлов бош бошқармасининг бошлиғи Миркамол Мирсодиқов ҳузурида бўлдик.

— Ҳозир республикамизнинг мол айирбошлаш йўлидан бораётганлиги бизнинг ҳам бу борадаги фаолиятимизни жонлантиришга туртки бўлди. Шу йил январигача биз бошқа республикалардан 200 миллион сўмдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан картошка, гўшт маҳсулотлари, балиқ гуруч, тухум ва бошқа маҳсулотлар, 6 миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол моллари, 19 миллион сўмликдан ортиқ ёғоч материаллари, жами бўлиб эса 300 миллион сўмлик озиқ-овқат ва моддий-техника ресурсларини республикамизга келтирдик. Ҳолбуки, 1990 йилда бирлашмамиз бўйича мол айрибошлаш бор-йўғи салкам 40 миллион сўмни ташкил этган эди. Ҳозир аксарияти Россия, Украина, Беларусь ва бошқа республикалар билан олди-берди қиляпмиз. Гўшт маҳсулотларини эса асосан Омск ва Украинадан келтиряпмиз.

Бошқарма бошлиғининг айтишича, мол айирбошлашда Андижон, Бухоро ва айниқса, Тошкент ташкилотлари карвонбошилик қилмоқдалар. Уларнинг келтираётган маҳсулотлари республикамиз аҳолиси учун ғоятда зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, цемент, саноат моллари, озуқалар, холодильниклар, пойабзаллар, қувур ва бошқалардир. Улар алоқа боғлаган шаҳарлар доираси ҳам анча кенг. Омск ва Олтой, Красноярск ва Тула, Иркустк ва Чита, Челябинск ва Томск, Тюмень ва Пермь ва ҳоказолардир.

Бирлашма ташкил топгандан буён ўтган қисқа муддат ичида шаҳарлар, вилоятлар ва район марказларида, шунингдек Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ярмаркалари муттасил ташкил этилиб турди. Шу йил 10 февралидан 29 февралигача бирлашма Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа мустақил жумҳуриятлар билан биргаликда 1992 йил ҳосилини сотиш бўйича савдо ярмаркаси ўтказади. Ярмаркада ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни тенг истеъмол молларига, қурилиш материалларига, картошка ва бошқа маҳсулотларга алмаштириш режалаштирилмоқда.

Жумҳуриятимизда аҳолини картошка билан узлуксиз таъминлаш мақсадида кузги-қишки мавсумда РСФСР ва бошқа республикалар билан 94 минг тонна картошкага шартнома тузилган эди, улар омборларда сақланмоқда. Шунингдек, 2600 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотлари, 22 миллион дона тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мол айрибошлаш йўли билан республикага келтирилди. 1991 йилда деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ғамлаш топшириқлари ошириб бажарилди. Аҳолини маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида вилоятлараро мол етказиб бериш усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Бироқ эришилган натижалар билан хотиржамланишга ҳали эрта. Республика аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондириш учун тадбиркорлик, уддабуронлик, фидойилик кўрсатиш зарурлиги ўз-ўзидан аён. Бунинг учун эса Қибрай райони тайёрловчиси Нишонбой ака Тўхтаевга ўхшаш жонкуярлар сафини янада кенгайтириш талаб этилади. Хўш, 1992 йилда ишларни янада жонлантириш учун қандай тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Биз жумҳурият кооператив мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бирлашмаси раиси Анвар Эргашевга ана шу савол билан мурожаат қилдик.

— Кооператив бирлашмаси («Узкоопзаготторг») — деб сўз бошлади у. — Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 8 май Фармони ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 10 май қарори асосида жумҳурият тайёрлов ташкилотларининг жамоа ва шахсий хўжаликларда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини ва иккиламчи ресурсларни тайёрлаш соҳасидаги фаолиятини яхшилаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида жумҳуриятлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида тузилди. Бирлашма фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, боғдорчилик-токчилик ширкатлари, ижарачилар ва деҳқончилик ширкатларида ҳамда давлат хўжаликларида, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида етиштирилган картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва резавор мева, чорвачилик маҳсулотлари ва хом-ашё, иккиламчи ресурсларни, шунингдек, барча турдаги иккиламчи хом-ашё, ёввойи мевалар, резавор мева ва дори-дармон хом ашёсини тайёрлашни уюштиради. Бирлашма бозорнинг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, молларга, ишлар ва хизматларга бўлган талабни, аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган талабини ўрганиш, аҳолининг истиқболдаги талабини, бозорнинг ҳолатини тахмин қилиш режаларини ишлаб чиқиш, ўз таркибига кирадиган кооператив ташкилот ва корхоналарни тегишли ахборот билан ўз вақтида таъминлаб туриш, маҳсулот иш ва хизматларни тарғиб қилишни ўз зиммасига олади. Чет эллардаги кооператив уюшмалари ва ҳорижий фирмалар билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида «Узкоопзаготторг» ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда, тегишли ташкилот ва корхоналар билан илмий-техникавий ва бошқа алоқалар ўрнатишда, шунингдек халқаро кооператив уюшмасининг фаолиятида иштирок этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Суҳбатлардан ва бирлашма фаолияти билан атрофлича танишишдан шу нарса маълум бўлдики, бу йил барча деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотадиган доимий ишловчи ярмаркалар ташкил этиш қатъий белгилаб қўйилди. Бу йил бултургига нисбатан 1,5—2 ҳисса кўп маҳсулот жамғарилади. Товар оборотн самарадорлигини ошириш мақсадида хўжалик юритишнинг савдо корхоналарини ижарага олиш сингари илғор усулларидан кенг фойдаланилади. Яна шу мақсадда бу йил 180 та ихтисослашган магазинлар қуриш вазифаси турибди.

Бирлашма олдида ҳали жуда катта вазифалар турибди. Маҳсулотларни қайта ишлаш цехларини кўпайтирмоқ зарур. Масалан, Қўқонда Туркия билан қўшма корхона — «Санте» қурилди. Ҳозир машиналар ўрнатилган. У қўй териларидан пўстинлар ишлаб чиқаради. Бундай ишларни жадаллаштириш режалари тузилмоқда. Чунончи, Қашқадарёда жун ювадиган корхона қурилади. Бухорода эса қоракўлни қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари корхонаси қуриш режалаштирилган. Сирдарёда аралаш озуқа ишлаб чиқарадиган корхона барпо этилмоқчи. Шу йилнинг ўзидагина бирлашма томонидан юз миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш белгиланган. Тошкентда шапка ишлаб чиқарадиган кичик цех иш бошлаб юборди. 1991—95 йиллар учун комплекс дастур ишлаб чиқилган. Жойларда кичик бўрдоқичилик корхоналари очиляпти. Тошкент, Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятларда дастлабки хайрли қадамлар қўйилди. Бирлашмани ташкил этиш ҳақидаги қарорда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирлашма ташкилотларига сотишни рағбатлантириш мақсадида бирлашма ихтиёрига кенг истеъмол моллларини ажратиш қайд этиб ўтилган эди. Республика Иқтисодиёт қўмитаси бунга фонд ажратса нур устига аъло нур бўлар эди. Бундан ташқари бензин етишмаслиги, транспорт воситаларининг эскириб қолганлиги, шиналар, ёғоч ва шиша идишлар етишмаслиги ҳам бирлашманинг кенг қулоч ёзишига ҳалақит бериб турган камчиликлар сирасига киради. Моддий-техника таъминоти давлат кооператив бирлашмаси, мутасадди ташкилотларнинг бу борада амалий кўмаги зарур.

Ҳ. ИКРОМОВ.
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



МУСТАҚИЛЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Ромитан пахта тозалаш заводи мана икки йилдирки, мустақил ишлаб келяпти. Ҳозир бу ерда йилига 45 минг тонна маҳсулот қайта ишланмоқда. Кунига 60 тонна тўла тайёрланмоқда.

Суратларда: 1. Толани пресс-ловчи Саъди Шамсиев. 2. Бош муҳандис М. Назаров, корхона раҳбари А. Абдураҳмонов, мастер Р. Тўхтаев, таъмирлаш цехи бошлиғи К. Умуров ва лаборант Р. Исматова.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Янги нашрлар

ОҚ ЙЎЛ, «МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ»

Республикамизда нашр этилаётган ойномалар ёнига, шу йилдан бошлаб «Мактабгача тарбия» деб номланган янги илмий-услубий, ахлоқий-таълимий, адабий-бадиий безакли журнал қўшилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги унинг муассисидир.

Маълумки, катта тарбия мактабгача тарбиядан бошланади. У миллатнинг сарчашмасидирки, бу соҳа ҳамиша умумхалқ, умумдавлат иши бўлиб қолмоғи керак. Янги журнални чоп этишдан асосий муддао ҳам болани бешикдалигидаёқ тарбиялашга киришилиши лозимлигини тарғиб қилишдан иборатдир. Унинг муқовасида келажагимиз тимсоли — бола сурати акс этганлиги ҳам шундан.

Журналнинг 1-сони ҳазрат Навоийнинг: «Тавозуъ ва адаб аҳлига таъзим ва ҳурмат етар, ва ул донни эккан бу маҳсулни жамъ этар», деган ҳикматли сўзлари билан бошланади. Унда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг «Фарзанд азиз — одоби ундан азиз», Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳининг мактабгача тарбия педагогикаси кафедраси доценти П. Юсупованинг «Экологик тарбия», Наманган вилояти, Норин районидаги «Булбулча» болалар боғчаси мудираси С. Азимованинг «Эртанинг эгасини ўйлаб...» мақолалари ўрин олган. «Навоий дарсхонаси», «Нафосатнома», «Бола — пошшо», «Одобнома», «Оқ теракмн, кўк терак» рукнлари остида қизиқарли мавзулар кўтарилган.

«Мактабгача тарбия» саҳифаларида журнал номига йўлланган табриклар, жумладан, афғонистонлик фольклоршунос олим доктор Файзулла Аймоқ қутлови ҳам босилган.

— Оқ йўл, «Мактабгача тарбия»!

АНАДЎЛИ АХБОРОТ БОШҚАРМАСИНИНГ МОСКВА БЎЛИМИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Туркиянинг Она Ватан партияси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюради.

Она-Ватан партияси миллат вакилларидан (депутатларидан) Эроомент Конукман, Шоди Пеҳливан ўғли, Мўмин Генч ўғли ва Сулаймон Ҳатин ўғлидан иборат делегация яқин орада Тошкентга ташриф буюради.

Меҳмонлар Ўрта Осиёдаги турк аҳоли яшайдиган бошқа жумҳуриятларга ҳам борадилар.

Буюк миллат мажлиси депутатлари сафарлари сўнгида Туркиянинг Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар билан муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисида ҳисобот тайёрлайдилар.

* * *

Туркия, Эрон ва Покистоннинг иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон ҳам аъзо бўлиш ҳақида мурожаат қилган эдилар. Бу мурожаат ташкилотнинг 16-17 февраль кунлари Теҳронда ўтадиган йиғилишида кўриб чиқилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Али Саларий Истанбулда шу ҳақда баёнот бериб, ташкилотнинг барча аъзолари Озарбайжон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг мурожаатини мақбул топганини айтди. Теҳронда ўтадиган учрашувда мазкур уч мамлакат иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига янги аъзолар сифатида қабул қилинадилар, деди Али Саларий.

(АА — ЎзА).

• ФАРМОН ВА ИЖРО •

ХАЛҚ ДАРДИГА МАЛҲАМ ИЗЛАБ

АНДИЖОН ВИЛОЯТ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ ҲАЙЪАТИНИНГ РАИСИ САЛИМЖОН ИМИНОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Республика Президенти Ислом Каримов 1991 йил 23 октябрда Андижон вилоятида бўлган вақтида қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат ва бошқа зарур моллар билан таъминлашда йўл қўйилган камчиликларни кўриб ранжиган эди. Орадан ойлар ўтди. Аҳволни ўнглаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўша вақтда мен раис сифатида энди иш бошлагандим. Шунга қарамай жуда ҳижолат бўлдим. Таниддан тўғри хулосалар чиқардик. Шошилинч тадбирлар белгиладик. Олтинкўл районида вилоят матлуботчилари иштирокида катта йиғин ўтказдик. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини меъёрдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳақида яхши фикрлар, таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Жумҳурият ҳукуматининг аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларни белгиланган миқдорда сотиш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқдик.

Ҳар уч ойда бир марта барча матлубот жамиятлари раҳбарлари, районлараро базаларнинг директорлари иштирокида Олтинкўл йиғилиши қарорларининг ижроси юзасидан оммавий кўрик ўтказишни қатъий қилиб қўйдик. Бу шунчаки текшириш эмас, аҳоли эҳтиёжини пухта ўрганиш кўригидир.

Биз салкам бир ярим миллион қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатамиз. Шунча одамнинг эҳтиёжини қондириш, кўнглини олиш осон эмас. Битта мисол келтираман. Бир одам халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг раиси Қаюм Холмирзаевга қўнғироқ қилиб: «Тўйимизда нон етмай қолди», дебди. У киши биздан ҳафа бўлиб: «Тўйларга тўрт қопдан ун беришга келишган эдикку?! Нега тартиб бузилди?» деди.

Суриштириб билсак, ўша одамнинг тўйига 15 қоп ун берилган экан. Инсофни қаранг: шунча унни олиб туриб, уялмай-нетмай Кенгаш раисига қўнғироқ қилиб ўтирибди. Бу мисолни айтишдан муддаом шуки, тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш керак. Арабистондан келган бир меҳмон биздаги исрофгарчиликни кўриб: «Э, аттанг, сизлар ҳеч қачон бой бўлмас экансизлар», деб кетди. Ростини айтсам, кўпчилик ҳануз басма-басра тўй қиляпти. Дабдабали тўйлар, маросимлар кимга керак, дейдиган одам топилмаяпти. Маҳалла оқсоқоллари, маросим ўтказиш комиссиялари деярли ишламай қўйдилар. Ёзувчилар, зиёлилар, матбуот ходимлари нимагадир орзу-ҳавас шайдоларига муносабат билдиришмаяпти.

Бошқа бир тоифа одамлар эса нарх-навонинг ортишидан ваҳимага тушиб, магазинларга нима чиқарсак дарров «илиб» кетишяпти. Уйида беш қоп, ўн қопдан ун сақлаётган кишиларни истаганча топиш мумкин. Илгари қишлоқ аҳолиси магазиндан нон харид қилмасди. Чунки, ҳар бир хонадонда бўрсилдоқ нон ёпиларди. Ҳозир ундай эмас. Уйида қоп-қоп ун, тандири туриб, магазинга нонга югурадиганлар кўпайиб кетди. Шуларни ўйлаганда: «Сизга нима бўлди, одамлар ташвиш қилманг, қийинчилик юз бермайди», дея айтгим келади.

Оилавий варақаларни ўрганиб ҳайратдан ёқа ушладим. Умрида ароқ ичмаган, оиласида ароқ истеъмол қиладиган киши йўқ қариялар ҳам ўзига тегишли ароқни сотиб олишяпти. Куёв томонига 40 та, келин томонга 20 тадан ароқ беряпмиз. Шунга қарамасдан қўшимча ароқ, қўшимча ун сўрайдиганлар кўп.

— Гапингизда жон бор, Салим Каримович, энди кўрпага қараб оёқ узатмасак бўлмайди. Қишлоқ аҳолисининг талабини қондириш ҳақида нима дейсиз?

— Биз кўзи тўқнинг ўзи тўқ, деган гапга амал қиляпмиз. Савдо-сотиқни халққа яқинлаштиряпмиз. Вилоятларимиз қишлоқларида 1870 та савдо шахобчалари ишлаб турибди. Бундан ташқари 150 та автолавка, 160 та сотувчисиз дўкон қишлоқ аҳолисига хизмат қиляпти. Катта йўлдан олис, чекка қишлоқларда 110 та уй дўкони очилган. Президент танбеҳидан кейин аксарият магазинлар ва савдо шоҳобчалари қайта таъмирланди, тартибга келтирилди. Ҳар бир қишлоқ марказида жойлашган магазинда тўйлар ва дафн маросимларига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда газламалар берадиган махсус бўлим ташкил этилди.

Ҳар бир оила учун варақа тайёрланган. Қишлоқ аҳолиси ана шу варақа орқали 13 хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари олиб турибди. Магазинлар иложи борича аҳолига зарур товарлар билан тўлдириляпти.

Жумҳурият Президентининг келин-куёвларга арзонлаштирилган баҳода жиҳоз ва гилам сотиш, кам қонли ҳомиладор аёлларга бепул сут-қатиқ, гўшт, сарёғ бериш, фахрийларга савдо хизматини яхшилаш юзасидан чиқарган фармонлари ишимизга бирмунча ўзгартириш киритди. Биз кўп магазинларда ана шу ғамхўрликлар бўйича алоҳида-алоҳида бўлимлар ташкил этдик. Андижон, Избоскан районларидаги «Молдова», «Оқ олтин» савдо марказларида бу борада қилинган ишлар ибратли. Чувама, Маданият матлуботчилари «Маросимлар дўкони», «Серфарзандлар дўкони» очиб яхши иш қилдилар.

Биз айниқса, Ильич матлубот жамияти ишидан хурсандмиз. Бу ерда аҳолига белгиланган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини сотадиган, кам даромадли ва кам қонли аёлларга, кўп болали ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга савдо хизмати кўрсатадиган махсус дўконлар нинг ишбилармонлиги туфайли ютуқларимиз кўпайиб боряпти. Ўтган йили қишлоқ аҳолисига 1 миллиард 417 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатдик. Чакана савдо 1990 йилга нисбатан 55, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш 52, умумий овқатланиш 30, китоб савдоси 48 фоиз кўпайди.

Ҳорижий мамлакатлар билан ҳам савдо алоқаси ўрнатишга ҳаракат қиляпмиз. 1990 йилда Германия Федератив Республикаси, Япония, Австрия, Венгрия, Гонконг, Голландия, Туркия, Югославия ва бошқа чет давлатларга асал, пахта, оқланмаган бўз, қорапўчоқ пилла, ностандарт тери экспорт қилинган эди. 1991 йилда улардан 173 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари олинди ва аҳолига сотилди.

Шунга қарамасдан, ҳали ишимизда камчиликлар кўп. Улгуржи савдо базалари ишидан ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Ҳамма нарса етарли бўлгани ҳолда меъёрдаги озиқ-овқат маҳсулоти ва саноат моллари таъминотида узилишлар бўлиб турибди. «Пролетар» матлубот жамияти ўтган йил давомида фондга нисбатан 47 тонна шакар, 21 тонна кир совун, 16 тонна чой, 1 тонна макаронни кам олди.

Умуман, уюшмамиз бўйича ўтган йил учун ажратилган фондлардан 3208 тонна шакар, 925 тонна макарон кам олинди. Уруш ва меҳнат ногиронларига берилиши керак бўлган фоннинг 50 фоизини ололмадик. Вилоятимизга белгиланган ёғоч, шифер, цемент ва бошқа қурилиш материаллари, болалар кийимларини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Айрим савдо ташкилотлари, қишлоқ Кенгашлари ва магазинлар ўртасида шу вақтгача хизмат кўрсатиладиган аҳолининг сони тўла аниқланмаган. Бу, товарларни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда етмай қолишига сабаб бўлаётир.

Ундан тўғри фойдаланилмаганлиги оқибатида новвойхоналарда нон ёпиш камайиб кетди. Бу ҳам аҳоли ўртасида норозиликнинг туғилишига сабаб бўлмоқда.

Камчиликларни бартараф этиш, етишмовчиликларнинг олдини олиш, аҳолининг меъёрдаги товарлар билан мунтазам таъминланишига эришиш мақсадида назоратни, талабчанликни кучайтиряпмиз. Улгуржи савдо базаларида «Чакана савдо кунлари» ўтказиб туришга қарор қилдик. Районлараро улгуржи савдо базалари кенгаши фаолиятини тиклаб, унинг ишини жонлантирдик. Базаларда товарларни қўпайтириш ниятида марказлашмаган йўллар билан моллар сотиб оляпмиз. Мавжуд товарларни эса ўз вақтида савдо шоҳобчаларига чиқарилиши устидан кундалик назорат ўрнатдик. Кооператив ташкилотларига таъминловчи корхоналар, идоралардан фондлар бўйича ажратилган товарларни олишда амалий ёрдам кўрсатяпмиз.

Матлуботчиларни рағбатлантириш чораларини ҳам кўряпмиз. Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ҳайъати ўзининг янги тузилган иш дастурига кам маош оладиган сотувчилар, оддий ишчиларнинг иш ҳақини ошириш, уй-жой ва ер участкалари билан таъминлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам бериб туриш ҳамда барча савдо шоҳобчаларида иш шароитини яхшилаш масалаларини киритди.

Яқинда Олтинкўлда ўтказилган катта йиғинда ишлаб чиқилган қарорларни бажаришда ташаббус кўрсатган ишбилармонлардан бир гуруҳини мукофотладик. Улар орасида Балиқчи, Пахтаобод, Андижон районлари матлубот жамиятлари уюшмалари, Ильич шаҳар матлубот жамияти (раиси М. Комилов) ва бошқалар бор.

Ҳаёт қизиқ. Ҳар қачон ҳам кутганинг бўлавермайди. Минг ўйлаб тузган режалар дақиқа ўтмай ўзгариши мумкин. Биз ана шундай ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда халқ хизматига шай туришимиз керак. Мен бу ерда купонни назарда тутяпман. Ҳозир меъёрдаги озиқ-овқат ва саноат моллари купонсиз сотиляпти. Лўнда қилиб айтганда, купон четга мол чиқариш йўлини тўсади, ҳамма товарлар фақат жумҳуриятимиз фуқароларига берилмоқда.

Суҳбатдош:
А.ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Тошлоқ район марказида кунига 300 бемор қабул қилувчи янги поликлиника фойдаланишга топширилди. 26 мутахассиснан иборат тажрибали шифокорлар қишлоқ меҳнатчиларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Поликлиниканинг асбоб-ускуналари, қурилмалари учун Японияда ишлаб чиқарилган ярим миллион сўмлик аппаратлар сотиб олинди.

СУРАТЛАРДА: янги поликлиниканинг умумий кўриниши. Терапевт Тоҳиржон Ҳамидов (чапда) ва тиббиёт ҳамшираси Набирахон Орипова иш устида. Ўнгда эса ўн йиллик иш тажрибасига эга ҳамшира Гулнора Қодировани кўриб турибсиз.

Ш. АЛИМОВ суратлари (ЎзА).

• *Янгиликни шарҳлаймиз*

«НАСАФ» ИМКОНИЯТЛАРИ

Қаршида универсал товар хом-ашё «Насаф» биржаси иш бошлади. Мазкур акционерлик жамияти Халқ демократик партияси вилоят Кенгашининг ижтимоий-сиёсий маркази биносини ижарага олди. Биржанинг вазифаси улгуржи савдони ташкил этиш учун ишбилармонларни тўплаш, ахборот таъминотини йўлга қўйиш, айрим буюмларни ҳамдўстлик давлатлари ва бозорларига олиб чиқишга кўмаклашишдан иборат.

— Биз шунингдек, чет элдаги ватандошларимиз билан ҳам алоқа ўрнатамиз, — дейди «Насаф» биржаси кенгаши раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий Кенгаши аъзоси Н. Зайниев. — Жумладан, Америка, Туркия ва Афғонистонда яшаётган қашқадарёлик ишбилармонлар билан ҳам алоқа ўрнатишга киришдик.

Биржанинг вилоят иқтисодиётига катта ёрдами тегади. Шаҳар ва қишлоқлардаги бева-бечораларга ҳайри-эҳсон улашамиз. Иқтисодиётдаги оғир кунларда кам таъминланган оилаларга мададкор бўламиз.

Айни пайтда биржамизда «Средазгазпром», «Ўзбекнефть» республика бирлашмалари, вилоят давлат таъминоти бошқармаси, Қаршиинторг» «Кашкадарьязаготхлопкопром» бирлашмаси, «Каршистрой» бошқармаси, Шаҳрисабз консерва, виноарақ заводлари, пиллакашлик фабрикаси каби 30 дан зиёд ташкилот таъсисчилик қилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Одобнома*

БИРЛАШГАН ДАРЁ БЎЛУР

Баъзи-баъзида бош-охири кўринмайдиган адоғсиз ташвишлар, даҳшату ваҳималардан иборат хабарлар, хулоса, нотинч бир олам, қабоҳатли бир дунё, ахлоқсиз, шафқат нималигини тушуниб етмаган ёвуз одамлар, дунёга бахтли бўлиш, беихтиёр яшаш учун келмаган, кимнингдир кўнглига ғулғула солиб, кимнингдир турмушига оғу ташлашдан ором олиб ҳаёт кечирадиган нокаслар кўз олдимдан ўта бошлайди...

Рўзномалар, ойномалар ҳар бир хонадонга маърифат олиб киргучи эди, ҳозир юрагимни ҳрвучлаб, чўчиб уларнинг саҳифаларини очаман.

Жумҳуриятимизнинг қайсидир вилоятида фарзанд ўз отасини ўлдирибди, икки ака-ука ота-онасидан мерос қолган ҳовлисидаги уч метр жойни талашиб, бир-бирининг уйига ўт қўйибди, бу дунёнинг азоб-уқубатларига, маломат ва ноҳақликларига бардоши етмаган аёл ўзини ёндирибди, қайсидир мактаб ўқувчиси муаллимининг адолатсизлигига чидамай баланд иморатнинг тепасидан ўзини ташлабди.

Асабларим бу бедодликлардан зирқираб кетади, бирон мусиқа, қўшиқ эшитмоқ истагида радионинг тугмачасини босаман. Термиз шаҳар прокурори Элмурод Абдураҳмонов билан радио мухбири ўртасида суҳбат, савол-жавоб бўляпти чоғимда. Маълум бўлишича вилоятда жиноятлар сони тобора ошиб бораётган экан. Содир бўлаётган жиноятларга прокурор «ёрқин» мисоллар келтиряпти. Яна ўша дил ўртар, дардли воқеалар: ота ўз қизининг номусига тегибди... Бу ҳам етмагандек жиноятини яшириш учун қизининг жонига қасд қилибди...

«Зангори экран» қаршисида ўтириш ҳам кўп мушкул бўлиб қолди. Цхинвалида биродарлар бир-бирини отишяпти. Қорабоғда росмана уруш, ўқ-замбараклар овози бир зум тўхтаётгани йўқ ҳали ҳам, чеченингушлар юртида ҳам безовталик... буларнинг оқибати нималарга олиб келаркин?!

Ноғоҳ вужуди зада бўлган жумҳуриятимизнинг кечаги куни, юз берган фожиалар рсинтга тушади. Қўқон, Фарғона уқубатлари. Ўшда кесилган таналар. Паркентда бемор онасини кўргани бораётган йигитнинг дайди ўқдан қулаб ҳаётдан кўз юмиши... Бир умр ўзларини «халқлар дўстлиги»нинг тарғиботчилари деб жар солиб келган марказий матбуот нашрларининг миллатлар иттифоқига ғаразгўйлик билан отаётган тошлари. Тузнимизни ичиб, тузлуғимизга тупираётган нонкўрларнинг ўринсиз нолалари... Қай бири ҳақида ўйлай, қай бири ҳақида ёзай...

Қалбим сезмоқдаки, ҳар бир фожианинг замирида эзтиқоди ва ахлоқидан ажралган манқурт одамларнинг хатти-ҳаракатлари ётибди. «ХХ асрнинг охири ва бўлғуси асрнинг бутун давомида ҳам энг таҳликали ва энг долзарб мавзу ахлоқ мавзуси бўлиб қолади» деганида Чингиз Айтматов юз бор ҳақлидир.

Бир нарса кишига таскин берадики, биз неча ўн йиллар давомида юз ўгириб келган қадриятларимизга қайтмоқдамиз.

Ёзув столимдаги муқаддас китобларни варақлайман. Узоқ, жуда узоқ йиллардан буён «оғу», «афюн», деб уқтириб келганимиз, аслида инсоният ақли-идрокининг маҳсули бўлган дурдоналардан қалбим жароҳатларига малҳам топаман, вужудимдаги ана шу таскинликдан бир зум ором олиб, уларни қайта-қайта ўқийман. Осойишталик, ҳур фикрлар чўғлаб олади жисмимни, улуғ истиқбол, ёруғ кунлар кўз олдимдан ўтади шу чоғ.

Қуръони карим, бу муқаддас китоб ниҳоят туркча забон ила қўлимизга тегиб, хонадонларимизга кириб келди. Биз эса яқинларгача «Қуръон» бир ҳовуч бойларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, инсонни жаҳолатда сақлайдиган, хотин-қизлар ҳуқуқларини поймол этадиган ғайри инсоний бир китоб, деб тарғиб этиб келдик. Аслида ҳақиқат томомила бунинг тескариси эди.

Ахлоқ-одобга оид «Ҳадис»лар китобини очаман.

«Раҳимли ва меҳрибон тангри номи билан Расулиллоҳ алайҳис салом айтадир: Ароқдан сақланинглар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.

Тангри наздида энг яхши гап ростликдир.

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан.

2. Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан.

3. Илму маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишдан».

Буларни изоҳлаб ўтирмоқнинг ҳожати йўқдир. Лекин муносабат билдирмасликнинг ҳам иложини тополмагайман.

Бугун барчага аён бўляптики, халқимизга буюк истиқболни «ҳамма қобилиятига яраша меҳнат қилиб, эҳтиёжига яраша таъминланадиган» саробни— коммунистик жамиятни ваъда этиб нима орттирдик?!

Яна ёзув столимдаги китоб саҳифаларини очаман. «Тарихи Муҳаммадий» Имом Исмоил Бухорий, «Ҳадис», «Алладат ал муфрад» («Адаб дурдоналари»), Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и, Сўфи Оллоёр, Рабғузий... Замондошимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳилол», «Имон» асарлари ва яна бошқалар. Буларнинг номларини ёзмоқ нақадар роҳат бағишлайди одамга, ўқимоқ эса нечоғлик саодатлидир. Бу китоблардан бизлар нақадар узоқлашиб кетдик. Бухорийни қўйинг, қачон асарлари чоп этиларкин, деб кўзларимиз тешилгудай бўлиб, интизорлик билан кутганимиз Чўлпон асарлари ҳануз китоб дўконларида тахланиб ётибди.

Яна умид, яна тарихимиз дурдоналари оёққа туриб, ўқувчилар руҳиятига шуур бахш этишига ишонч пайдо бўлади вужудимда.

Тарихимиздан, эзтиқодимиздан узоқлашиб кетган авлодни мактаб остонасидан, болалар боғчасидан эзтиқодли, имонли руҳда тарбиялаб, тайёрлаб вояга етказмоқ лозим, дейман ниҳоят. Энди эзтиборсизлик, лоқайдликдан қутулмасак, бизни тарих, бўлғуси авлод кечирмагай.

Мактабларимизда ҳозир ҳафтада бир соатгина «Одобнома» дарси ўтиляпти. Уни ҳам мактаб маъмурияти ноилож, соати камроқ бўлиб қолган бадан-тарбия ўқитувчисига ёки биронта ҳоҳлаган муаллимга беришяпти. Аслида бугунги талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳеч иккиланмасдан, шу бугунги маънавий инқирозимизнинг даҳшатини чуқур ҳис этиб, бу сабоқларни кўпайтирмоқ, дарсни ўтишга қонуний ҳуқуқи бўлган, малакали кадрларни тайёрламоқ лозим дейман.

Биз етмиш йилдан зиёд муддат ичида одамларимизни жиноят ва қотиллик кўчасига етаклайдиган ичкиликбозликни турмуш тарзимизнинг кўп чиройли, «маданий» кўринишига айлантириб олдик. Эндиликда эса уни худди беш йиллик планларини муддатдан илгари бажарганда, бир ҳамла билан йўқотмоқчи бўляпмиз. Натижада бу йўқ қилишнинг ниҳоятда номақбул, ҳунук кўринишларини ясаб, ўйлаб топяпмиз (ароқни қимматлаштирдик, одамлар уни ишлаб чиқаришнинг ажойиб ва ғаройиб йўлларини топдилар, камайтирдик, навбатга туришдан чарчамадилар). Шарманда қилдик. Ичкиликни шармандалик деб билмаган одамлар шармандa бўлишдан уялмайдилар. Билмадикки, ичкиликбозлик бу одамларнинг айби эмас, биз жаҳонга мақтаб, бутун оламни шу йўлга даъват этаётганимиз социализмнинг иллати эди-ку. Бўлмаса бу оғуни биздай кўп истеъмол қиладиган яна бир мамлакат дунёда бўлса, айтинглар.

Чайқовчиликка қарши курашимиз ҳам бундан ҳунук бўлди. Биз «оға» ларимизнинг дўппи кийганки ўзбекнинг башарасига тикилиб «Спукулант!» деганидан қўрқиб, халқимизнинг азалий тижоратчилик, савдогарлик хатти-ҳаракатларини, савоб ишларини йўқотдик, уни жиноятга айлантирдик.

Хуллас, биз ичкиликбозлик ва чайқовчиликдай ахлоқсизликнинг туб илдизига болта урмасдан, унинг суратини йиртиш билан овора бўлиб келяпмиз. Шунинг учун ҳам курашяпмиз, аммо бу охири кўринмаётган самарасиз кўрашларимизнинг натижаси бўлмаяпти. Бундай бесамара ишлар инсонни ахлоқли, виждонли бўлишдек яхши йўлга бошламайди. Негаки, инсон ахлоқи бу имондадир, имон эса бутун вужудимизга, барча қон томирларимизга тирикликнинг маъноси янглиғ жо бўлмоғи лозим.

Яна кўз олдимдан маънавий тубанликнинг боши охири кўринмайдиган мудҳиш манзаралар ўтади, ёруғликни соғинаман. Тўйтомошаларда маст-аласт «Қиз болаё, қиз болаё»га ирғишлаётган ёш-яланглар-нинг қиёфасини ҳаёлимдан ирғитиб «Муножот», «Дуғоҳ», «Чўли ироқ», «Гиря» садоларининг сокин оҳангларига елкаларини оҳиста-оҳиста тебратиб, сел-сел бўлиб тинглаётган одамларнинг нурли суратларини ўйлайман.

Бехос шу пайт Ватанимиздан кўп узоқларда яшаётган муҳожир дўстларимизнинг кўнглимга, вужудимга яқин, хуш қоматлари, қиёфалари, майин овозлари гавдаланади. Нега бу одамлар жиноят ва қабоҳатнинг кўчасига кирмасдан, ахлоқсизлик ва шармандагарчиликнинг ҳамма учун кенг очиб қўйилган эшикларини тақиллатмасдан яшаяптилар. Нега? Е уларнинг айши-ишрат, маишатбозлик учун сарфлашга маблағлари йўқмиди? Бор, ҳамма нарса, ҳамма имкониятлар бор уларда.

Америка Қўшма Штатлари Абдулла Орипов айтмоқчи чиндан ҳам сеҳрли диёр. Унда «Зангори экран» орқали хонадонингизда ўтириб, эркакча базми-жамшид, «секс» деб аталган беҳаё фильмларни истаганча кўриш имкониятига эгасиз. Лекин муҳожир ватандошларимиз бундай жамиятда ҳам ҳавас қилса арзийдиган, покиза бир турмуш тарзини шакллантирганлар. Негаки, бу турмуш тарзи имон, эзтиқод асосига қурилган, яна у халқимизнинг қадимий анъаналарини унутмаслик, унга ҳурмат асосида давом эттирилаётган, ақлан ҳам, мазмунан ҳам миллий бўлган турмуш тарзидир. Уларнинг деярлик кўпчилиги мана шу Ўзбекистон деб аталган юртда туғилганлар, фарзандларини эса жисмидаги ана шу юртга бўлган муҳаббат, эзтиқод руҳида тарбиялаган, вояга етказганлар.

Муҳожир юртдошларимиз ҳаётида гап-гаштаклар, тўй маросимлари шарқона улуғ анъаналаримизнинг давоми сифатида бутун ғўзаллиги билан сақланиб келмоқда. Уларнинг шодиёна кунларида, тўй-томошаларида, келин-куёвларнинг бахтига қадаҳ ушлаб нутқ сўзламоқ, маст-аластлик билан шовқин-сурон кўтариш йўқ. Умуман уларнинг нозу-неъмат тўла дастурхонларидан ичкилик онгли равишда, унинг оқибати нималарга олиб келишини чуқур англаган ҳолда олиб ташланган. Назаримда бу шаклланган маданиятли миллатнинг ҳақиқий кўринишидир.

Муҳожир ватандошларимиз қаерда бўлмасинлар қалбидаги улуғ Туркистонга бўлган муҳаббатларини баланд ушлаб, уни Ватан ёди билан йўғириб, эзтиқод, тоат-ибодат қилиб умр кечирадилар. Улар қаерда яшамасинлар, юстами, мингта хонадонми, саноғининг оз ёки кўплигидан қатъи назар, тилини, миллат сифатидаги ҳолатини йўқотмай келмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар жиноят ва ахлоқсизликнинг кўчасига кирмадилар.

Мен бугун йўлда йўқотган жуда юксак маданий меросимизни ўйлайман ва ўйлаган сарим халқимизни неча-неча йиллардан буён, «ғоямизга ёт бўлган диний китоблар» деб буюк маърифатдан, яхшиликнинг ёруғ йўлларидан бебаҳра этиб келган манқуртларни лаънатлайман ва бу ишнинг бошида турган норасо одамларни қоралайман. Миллатимизнинг ва бир оддий қаламкаш сифатида ўзимнинг ҳам лоқайдлигимдан афсус чекаман, ўкинаман. Улуғ, муқаддас китоблар қаршисида тиз чўкиб тавба қиламан, тавба-тазаррудан сўнг айтгайманки:

Эй яхши, яхши одамлар, нега ёмонликнинг олдини саҳар чоғи аҳли мусулмон ибодатга қўзғалган янглиғ биргалашиб тўсмадик, нега қўшнимизнинг уйига ўғри тушаётганини била туриб, радио-телевизорларимизнинг овозини баланд кўтариб, индамай ўтирдик, нега оҳиз, ғариб, бева-бечораларни назар-писанд қилмадик, нега қўлимизни кўксимизга қўйиб, бир-бирларимизга, ассалому алайкум деган қутлуғ каломни унутдик, нега жиноят ва қотилликнинг ёнидан лоқайд ўтдик, нега ҳамон шундай яшаб келяпмиз? Нега? Нега?!...

Бугун бошимизни баланд кўтаргаймиз, имонли одамлар! Энди мустақил жумҳуриятнинг содиқ фарзандларини вояга етказайлик, имонсиз жамиятнинг, имонсиз фуқаролари бўлиб, оломонга айланиб қолмайлик, бу мудҳиш зулматдан огоҳ бўлинг одамлар!

Ёқуббек ЯКВАЛХЎЖАЕВ.

• *СПОРТ*

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

● ФРАНЦИЯНИНГ Альбервиль шаҳрида бошланган қишки олимпиада ўйинлари давом этмоқда. Спортчилар қизғин ва муросасиз баҳсларда чемпионликка талабгорлик қилмоқдалар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги жамоаси вакиллари биатлон бўйича иккита медал олиб бўлишди, Чунончи, А. Резкова 7,5 километрли масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Унинг дугонаси Е. Белова маррада учинчи бўлиб, олимпиаданинг бронза медалини қўлга киритди. Хоккейчиларимиз икки ғалабадан кейин тўрт очко билан пешқадам бўлиб туришибди. Чехословакия ва Канада жамоаларида ҳам шунчадан очко бор.

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИДА

● ДУШАНБЕ шаҳрида Рустам Дўлтабоев хотирасоврини учун футбол бўйича мавсумолди турнири мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. Пахтакорчилар дастлабки учрашувни Бишкекнинг «Олға» жамоаси билан ўтказиб 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Помирчилар билан Бухоронинг «Нурафшон» футболчилари учрашувида майдон эгалари дарвозага битта жавобсиз тўп киритдилар. Владикавказ спартакчилари билан Фарғонанинг «Нефтьяник» футболчилари учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилди. «Қайрат» ва «Навбаҳор» (Наманган) жамоалари учрашувида дарвозалар дахлсиз қолди.

• *Ҳодиса*

САҲРОДАГИ ОЛИШУВ

Навоий вилояти Томди районидаги Калинин номли совхоз чўпони Жанабой Утегенов подасини эрталабки боқувга саҳрога ҳайдади. Кутилмаганда қўйларга оч бўри қужум қилиб қолди. Аксига олиб, чўпоннинг ёнида милтиғи йўқ эди. Аммо у саросимага тушиб қолмади. Дарҳол чўпон таёғини қўлига олди-ю, отга миниб бўрини таъқиб қила бошлади.

Жанабой от юганини маҳкамроқ тортиб, таёғини боши узра айлантирганича қичқираверди. Унинг шижоатидан чўчиган бўри қоча бошлади. Теп-текис яйловда яширинишга жой тополмай қолган бўри югураверіб ҳолдан тойди ва тўхтаб кишнаб турган отга ҳамла қилди. Пайтдан фойдаланган чўпон таёқ билан бўрининг бошига кетма-кет тушира бошлади. Калтак зарбига дош беролмаган бўри ҳолсизланди. Таёқнинг сўнгги тушиши яккама-якка олишувга якун ясади. Совхоз маъмурияти довюрак чўпонни қўй-қўзи билан мукофотлади.

И. САФАРОВ, (ЎзА мухбири).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ИҚТИСОДИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БУЮРТМАЧИЛАР, ҚУРИЛИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ҲАМДА ТУРЛИ ХИЛДАГИ ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-текшириш ва лойиҳалаш илмгоҳида қурилишда шартномавий нархни аниқлаш учун база даражасида белгиланган саноат-фуқаролик ва қишлоқ қурилиши учун **Давлат Смета Меъёрларини** Ўзбекистон Республикасида 1992 йил 1 январдан кучга кирган нархлар асосида тайёрлашни тугатмоқда.

СМЕТА МЕЪЁРИ ВА НАРХИ Ўз—91 (СНиР№ 91—Ўз) сотиб олиш учун аризаларни қуйидаги манзилгоҳга юборишингиз мумкин: 700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 18-уй.

Раҳбар — М. Д. ҲАКИМОВ.

Мулоқот учун телефон 41-42-53.

АСАКА ШАҲРИДАГИ 6-АВТОМОБИЛЛАР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

Корхона ва ташкилотлардан

Яроқсиз ҳолда бўлган, техник ҳолати қай даражада бўлишидан қатъий назар

ЗИЛ—130

КАЗ—608 маркадаги

автомашиналарни чекланмаган миқдорда сотиб олади.

Нархлар шартнома асосида белгиланади.

Манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Фарғона кўчаси, 57-уй. 6-автомобиллар таъмирлаш корхонаси.

Телефонлар: 2-26-46, 2-23-77.

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: умумий ва биоорганик кимё (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), тиббий ва биологик физика (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар), тиббий биология ва ирсият (фан доктори, профессор), биологик кимё (фан доктори, профессор), гистология (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), оператив жарроҳлик ва топографик анатомия (фан доктори, профессор), нормал анатомия (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), патологик анатомия (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), умумий жарроҳлик (фан доктори, профессор), ички касалликлар пропедевтикаси (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), фалсафа фанлари (фан доктори, профессор), микробиология (фан доктори, профессор), тиллар (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), факультатив жарроҳлик (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), факультатив терапия (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), фармакология (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), патологик физиология (фан доктори, профессор, ёки фан номзоди, доцент), нормал физиология (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), рентген ва радиология (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), акушерлик ва гинекология (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), тери ва таносил касалликлари (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), умумий ва ҳарбий гигиена (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент), жисмоний тарбия (фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент);

доцентлар: фалсафа фанлари (2), микробиология, тиллар, нормал физиология;

катта ўқитувчи: тиллар;

ўқитувчилар: фалсафа фанлари (4), тиллар (3);

ассистентлар: биологик кимё, нормал анатомия (2), фармакология (2), жисмоний тарбия.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

МАНЗИЛИМИЗ: Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 4-59-83, 3-00-50.

«ҒАЙРАТИЙ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ ҚОШИДАГИ «ИБН СИНО» ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ ВАКИЛИ, ШАРҚ ТАБИБИ

Собир ЭРНАФАСОВ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Сеанслар бош оғриғи, буйрак хасталиги, жигар оғриғи, ошқозон оғриғи, нафас бўғилиши, бронхит, бод, пешобни тута билмаслик, тери касалликлари, оёқ-қўллардаги шол касалликлари, ёш болалардаги қовуқ бўшлиғи касалликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Сеанслар якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб соат 8.00 дан кеч соат 20.00 гача ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов ноҳияси, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй. Олисдан келган беморларга хоҳишларига кўра жой берилади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент доришунослик олий билимгоҳи жамоаси олий билимгоҳнинг собиқ проректори, техника фанлари доктори

Карим Олимович СОБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон кимё-фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Бутуниттифоқ кимё-технологияси илмий тадқиқот олийгоҳининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори

Карим Олимович СОБИРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг сирт-фаол моддалари озмоишгоҳининг катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди С. К. Тиллаевга онаси

Собира ТИЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология олий таълимгоҳи ректорати ва жамоатчилиги «Органик кимё» кафедрасининг доценти Х. Ш. Каримовга онаси

Тожинисо СОИББЕК қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти «Физика» таҳсилгоҳининг доценти Р. Ориповга акаси

Тоҳир ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367,500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 31

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.